

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР  
СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2019 йил август ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайати ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: С.Содиқов,

судлов ҳайъати судьялари: О.Қличев ва И.Мухамедовалардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси И.Илхамовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори М.Комилов, судланган С.Хамраевнинг адвокати У.Ахмедовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2019 йил 18 июндаги ҳукмига кўра судланган,

Хамраев Сухроб Ахтамович, 1974 йил 22 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Тўрақўрғон туман судининг 2018 йил 14 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми ва 61-моддаси тартибида 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони манзил колониясида ўтаб келаётган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Гулистон кўчаси, 45-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2019 йил 9 апрель кунидан буён қамокда сақланаётганга,

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган С.Хамраевнинг адвокати У.Ахмедов томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг 2019 йил 18 июндаги ҳукмига кўра, С.Хамраевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 28,184-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 28,182-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ

тузатиш ишлари жазоси, 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди билан уч юз олтмиш соат мажбурий жамоат ишлари жазоси, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган ҳар ҳил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Тўрақўрғон туман судининг 2018 йил 14 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони умумий тартибли колонияда ўташи белгиланган.

С.Хамраевдан 171.416.107,48 сўмни божхона тўловлари тариқасида давлат фойдасига ундирилиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д.Рустамов, С.Хамраев ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзининг норасмий бошқарувида, шахсий бойлик орттириш мақсадида, Ш.Абдураимов ва бошқа шахс таъсисчилигида масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этиб, жамиятларнинг асосий фаолият турлари – улгуржи савдо деб белгиланган бўлса-да, уставларида назарда тутилган фаолиятини амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, улгуржи савдо фаолияти никоби остида, ноқонуний йўллар билан ички ва ташқи бозорлардан сотиб олинган товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб, ушбу пул маблағларини банк муассасаларига топширмаслик ва белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни тўламаслик мақсадида, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 28.11.2017 йилда 556181-сон билан рўйхатга олинган “GOODS WORLD” масъулияти чекланган жамиятини ҳамда Наманган вилояти, Уйчи тумани давлат хизматлари маркази томонидан 24.09.2018 йилда 638633-сон билан рўйхатга олинган “VITO LORD” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, уларга расмий раҳбарларни тайинлаб ва ўзи норасмий равишда жамиятлар фаолиятини бошқариб келиб, сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келганлар.

Бундан ташқари, Д.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, С.Хамраев, “GOODS WORLD” МЧЖ расмий раҳбарлари Ш.Абдураимов, Б.Пўлатов ва бошқалар билан ўзаро жиноий келишувга кўра, жамиятнинг низомида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, жамиятнинг 28.11.2017 йилдан текширув кунига қадар бўлган фаолияти давомида муайян моддий ҳақ эвазига турли юридик ва жисмоний шахслар сотиш учун импорт қилинишига қаратилган ноқонуний хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб, хорижий ҳамкорлар билан имзоланган 307 та импорт контрактлари асосида 2017 йилда фактура қиймати 540.714,24 АҚШ доллари, 20.146,29 Евро миқдорида, 2018 йилда фактура қиймати 36.755.484,41 АҚШ доллари, 1.130.568,79 Евро, 171.078.532,43 Россия рубли миқдорида, жами сўмдаги эквивалентда 469.276.106,0 минг сўмлик турли товар моддий бойликларини импорт қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1504-сонли Фармонида “корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шартлиги, ушбу талабни

бузиш тушумни яшириш деб баҳоланиши ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши”, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қарорида “товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймаслик, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилиниши, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилиши” белгилаб қўйилган бўлса-да, тадбиркорлик фаолияти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиб, импорт шартномалари асосида келтирилган ва ички бозорлардан харид қилинган жами 420 млрд. 275 млн. 251 минг 339 сўмлик харидоргир маҳсулотларни 2017 йил ноябрь ойидан 2019 йилнинг март ойига қадар бўлган давр мобайнида Республиканинг турли бозорларида улгуржи тарзда нақд пулга сотиб юбориб, нақд пул тушумларини белгиланган тартибда ваколатли банк муассасасига инкассация қилмасдан, товарлар савдоси қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганлар.

Шунингдек, Д.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, С.Хамраев, “GOODS WORLD” МЧЖ расмий раҳбарлари Ш.Абдураимов, Б.Пўлатов ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Солиқ кодексининг 55-боб, 348-моддасида “Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилиши ва ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилиши, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилиши назарда тутилиши, қатъий белгиланган солиқни тўлаш белгиланган фаолият турларини амалга оширувчи ягона солиқ тўлови тўловчилари ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда ушбу кодекснинг 58-бобида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқ тўлашлари шартлиги” белгилаб қўйилганлигига қарамасдан, солиқларни қасддан тўламаслик мақсадида, “GOODS WORLD” МЧЖ томонидан 2017-2018 йилларда импорт шартномалари асосида ва ички бозорлардан харид қилиниб, нақд пулга сотиб юборилган товар-моддий бойликларидан 420 млрд. 275 млн. 251 минг 339 сўмлигини корхонанинг баланс ҳисоботларида акс эттирмасдан, ҳужжатларга била туриб сохта маълумот киритиш йўли билан солиқ солиш объектини яшириб, ушбу ҳисоботларни сохта эканлигини била туриб, тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим этиб, бунинг оқибатида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган жами 21 млрд. 133 млн. 077,84 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Бундан ташқари, Д.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “VITO LORD” МЧЖ расмий раҳбарлари Ж.Абилов, бошқа шахс ва бошқалар билан ўзаро жиноий келишувга кўра, жамиятнинг низомида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, жамиятнинг 24.09.2018 йилдан текширув қунига қадар бўлган фаолияти давомида муайян моддий ҳақ эвазига турли юридик ва жисмоний шахслар сотиш учун импорт қилинишига қаратилган ноқонуний хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб,

хорижий ҳамкорлар билан имзоланган 135 та импорт контрактлари асосида фактура қиймати 11.777.349,7 АҚШ доллари, 111.527,6 Евро, 33.459.499,0 Россия рубли миқдорида, жами сўмдаги эквивалентда 103.235.803,3 минг сўмлик турли товар моддий бойликларини импорт қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1504-сонли Фармонида “корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шартлиги, ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳоланиши ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши”, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қарорида “товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймаслик, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилиниши, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилиши” белгилаб қўйилган бўлса-да, тадбиркорлик фаолияти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиб, импорт шартномалари асосида келтирилган ва ички бозорлардан харид қилинган жами 90 млрд. 061 млн. 659 минг 020 сўмлик харидоргир маҳсулотларни 2018 йил сентябрь ойидан 2019 йилнинг март ойига қадар бўлган давр мобайнида Республиканинг турли бозорларида улгуржи тарзда нақд пулга сотиб юбориб, нақд пул тушумларини белгиланган тартибда ваколатли банк муассасасига инкассация қилмасдан, товарлар савдоси қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганлар.

Шунингдек, Д.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “VITO LORD” МЧЖ расмий раҳбарлари Ж.Абилов, бошқа шахс ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Солиқ кодексининг 55-боб, 348-моддасида “Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилиши ва ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилиши, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилиши назарда тутилиши, қатъий белгиланган солиқни тўлаш белгиланган фаолият турларини амалга оширувчи ягона солиқ тўлови тўловчилари ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда ушбу кодекснинг 58-бобида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқ тўлашлари шартлиги” белгилаб қўйилганлигига қарамасдан, солиқларни қасдан тўламаслик мақсадида, “GOODS WORLD” МЧЖ томонидан 2018-2019 йилларда импорт шартномалари асосида ва ички бозорлардан харид қилиниб, нақд пулга сотиб юборилган товар-моддий бойликларидан жами 90 млрд. 061 млн. 659 минг 020 сўмлигини корхонанинг баланс ҳисоботларида акс эттирмасдан, ҳужжатларга била туриб сохта маълумот киритиш йўли билан солиқ солиш объектини яшириб, ушбу ҳисоботларни сохта эканлигини била туриб, тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим этиб, бунинг оқибатида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган жами 6 млрд. 143 млн. 379,30 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин

товлаб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказиб, жиноят изларини яшириш мақсадида “GOODS WORLD” МЧЖ ва “VITO LORD” МЧЖнинг 2017-2019 йиллардаги хўжалик фаолиятини юритиш давомида тўпланган бирламчи бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлар ҳақиқатда улар томонидан содир этилган қилмишларни ёши қилувчи маълумотлар эканлигини англаб, ғараз мақсадларни кўзлаб, муҳр, штамп, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби журнали, молиявий ва бошқа ҳисоботлар ҳамда жамиятларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишга дахлдор бошқа ҳужжатларни қасддан нобуд қилиб, яширганлар.

Бундан ташқари, Д.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “GOODS WORLD” МЧЖнинг фаолиятини норасмий бошқариб келиб, жиноий гуруҳнинг фаол аъзолари Э.Сабилов, С.Хамраев, “GOODS WORLD” МЧЖ расмий раҳбарлари Ш.Абдураимов ва бошқа шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, жамият номидан Буюк Британия давлатининг “Glendale trading L|P” ва Польша давлатининг “Brand distribution sp. zo.o” корхоналари ўртасида тузилган шартномага асосан, “GOODS WORLD” МЧЖ номига Литва давлатининг UAB “Tranzito paslaugu centras” компаниясидан жами 8.491 кг. “Телевые капсулки для стирки Ariel” товарларини Ўзбекистон Республикасига импорт қилиб, 136.235.512,60 сўмга тенг бўлган божхона тўловларини тўлашдан қочиш мақсадида, аслида фактура қиймати 58.597,34 АҚШ долларини ташкил қилган ушбу товарларни 2017/12/FEX/CDB/000009-сонли инвойсда фактура қийматини 5.616 АҚШ доллари деб кўрсатиб, ушбу маҳсулотларни 2018 йил январь ойида 26002/10.01.2018/0001235 рақамли божхона юк декларацияси асосида Тошкент шаҳридаги “Тошкент товар” ТИФ божхона постида “эркин муомалага чиқариш” (ИМ 40) божхона режимига расмийлаштиришга эришиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Бундан ташқари, С.Хамраев 03.02.2016 йилда Тошкент шаҳар, Юнусобод туман Ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган “IMPORT EXCELLENT” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиб келгани ҳолда, экспорт фаолияти билан шуғулланиш учун Тўрақўрғон туман “Ягона дарча” марказидан 16.06.2017 йилда қайта давлат рўйхатидан ўтиб, терговда аниқлаш имкони бўлмаган бошқа шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, жамият номидан Буюк Британия давлатининг “Glendale trading L|P” корхонаси билан тузилган шартномага асосан, “IMPORT EXCELLENT” МЧЖ номига Литва давлатининг UAB “Tranzito paslaugu centras” компаниясидан “Телевые капсулки для стирки Ariel”, “Школадная плитка Milka” ва бошқа товар моддий бойликларини Ўзбекистон Республикасига импорт қилиб, 171.416.107,48 сўмга тенг бўлган божхона тўловларини тўлашдан қочиш мақсадида, аслида фактура қиймати 88.214,43 АҚШ долларини ташкил қилган ушбу товарларни 2017/10/FEX/CDB/000051-сонли инвойсда фактура қийматини 12.352,75 АҚШ доллари деб кўрсатиб, ушбу маҳсулотларни 2017 йил ноябрь ойида 26002/12.12.2017/0047687 ва 26002/14.12.2017/0048205 рақамли божхона юк декларациялари асосида Тошкент шаҳридаги “Тошкент товар” ТИФ божхона постида “эркин муомалага чиқариш” (ИМ 40) божхона режимига

расмийлаштиришга эришиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Мазкур ҳукм билан Д.Рустамов, Э.Сабилов, Ж.Абилов, Б.Пўлатов, Ш.Абдураимов ва Дж.Юсуповлар ҳам судланган бўлиб ҳукмнинг уларга нисбатан қисми шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли муҳокама қилинмайди.

Судланган С.Хамраевнинг адвокати У.Ахмедов кассация шикоятда, С.Хамраевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 179-моддаси, 28,184-моддаси 3-қисми, 28,182-моддаси 2-қисми “а” банди, 182-моддаси 2-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноят аломатлари билан нотўғри малакаланганлигини инobatга олиб, туман суди ҳукмини ўзгартириб, уни ушбу моддалар билан оқлашни сўраган.

Кассация инстанцияси, судья И.Мухамедованинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори М.Комиловнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган С.Хамраевнинг ҳимоячиси адвокат У.Ахмедовнинг кассация шикоятини қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан атрофлича ўрганиб чиқиб, қўйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

С.Хамраев ўз айбига қисман иқrorлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликдаги айби, мазкур жиноят иши бўйича судланган Д.Рустамов, Э.Собиров, Ш.Абдураимовларнинг, гувоҳларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, “GOODS WORLD” ва “VITO LORD” МЧЖ фаолиятини юритишда иштирок этган шахслар ва уларнинг жинoий фаолиятлари юзасидан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан тузилган маълумотномалар, Э.Сабиловнинг бошқарувидаги автомашинани кўздан кечириш баённомаси ва ушбу жараёнда “VITO LORD” МЧЖ фаолиятига алоқадор бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари аниқлаб олиш баённомаси, “VITO LORD” МЧЖ томонидан амалга оширилган импорт ва экспорт амалиётлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси томонидан тақдим қилинган маълумотлар, АТБ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар филиалидан “GOODS WORLD” МЧЖ ва “VITO LORD” МЧЖнинг банк ҳужжатларини олиб қўйиш ҳақидаги баённомаси ва илова ҳужжатлари, 13.02.2019 йилдаги АТБ “Капиталбанк” Сирғали филиалидан “GOODS WORLD” МЧЖнинг банк ҳужжатларини олиб қўйиш ҳақидаги баённомаси ва банк айланмаси ҳақидаги маълумотлари, Наманган вилояти, Уйчи туман ДСИдан олинган “VITO LORD” МЧЖ томонидан топширилган ҳисоботлар, ТИФ “Миллий банк”нинг Наманган филиалидан олинган “GOODS WORLD” МЧЖга тегишли банк ҳужжатлари, “GOODS WORLD” МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан 27.02.2019 йилда тузилган оралиқ далолатномаси, “GOODS WORLD” МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан 14.03.2019 йилда

тузилган текшириш далолатномаси, “VITO LORD” МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган хужжатли тафтиш юзасидан 27.02.2019 йилда тузилган оралиқ далолатномаси, “VITO LORD” МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган хужжатли тафтиш юзасидан 14.03.2019 йилда тузилган текшириш далолатномаси, шахсни таниб олиш баённомалари, “Import excellent” МЧЖ билан Буюк Британия давлатининг “Glendalle trading L|P” корхонаси билан тузилган шартномаси ва божхона юк декларациялари асосида Тошкент шаҳридаги “Тошкент товар” ТИФ божхона постида “эркин муомалага чиқариш” (ИМ40) божхона режимига расмийлаштирилганлиги юзасидан тузилган 05.12.2018 йилдаги ДБҚнинг хулосаси, 29.12.2018 йилдаги “Import excellent” МЧЖ билан Буюк Британия давлатининг “Glendalle trading L|P” корхонаси билан тузилган шартномаси ва товар моддий бойликлари бўйича инвойс хужжати юзасидан ўтказилган судга оид техник экспертизасининг 3471-сонли хулосаси, “GOODS WORLD” МЧЖ билан Буюк Британия давлатининг “Glendalle trading L|P” ва Польша давлатининг “Brand distribution sp. zo.o” корхоналари ўртасида тузилган шартномаси ва божхона юк декларацияси асосида Тошкент шаҳридаги “Тошкент товар” ТИФ божхона постида “эркин муомалага чиқариш” (ИМ 40) божхона режимига расмийлаштирилганлиги юзасидан тузилган 05.12.2018 йилдаги ДБҚнинг хулосаси, 29.12.2018 йилдаги “GOODS WORLD” МЧЖ билан Буюк Британия давлатининг “Glendalle trading L|P” ва Польша давлатининг “Brand distribution sp. zo.o” корхоналари ўртасида тузилган шартномага асосан “GOODS WORLD” МЧЖ номига Литва давлатининг UAB “Tranzito paslaugu centras” компаниясидан етказилган товарлари бўйича инвойс хужжати юзасидан ўтказилган судга оид техник экспертизасининг 3470-сонли хулосаси, юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа барча объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган бўлиб, ушбу далиллар билан кассация шикоятда келтирилган важлар тўлиқ инкор қилинади.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган С.Хамраевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 179-моддаси, 28,184-моддаси 3-қисми, 28,182-моддаси 2-қисми “а” банди, 182-моддаси 2-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган ва ҳукмда тўлиқ асосланганлиги.

Кассация инстанцияси судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан судланган С.Хамраевга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, жиноят иши бўйича барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни хусусан, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унга қилмишига яраша тўғри ва адолатли жазо тайинланган деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолатда, С.Хамраевга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартиришга ва унга тайинланган жазони енгиллаштиришга асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 506, 506<sup>1</sup>, 509-

моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2019 йил 18 июндаги Хамраев Сухроб Ахтамовичга нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

С.Содиқов

Судлов ҳайъати судьялари:

(имзо)

О.Қличев

(имзо)

И.Мухамедова

*Нусхаси аслига тўғри:*